



Баҳоси 3 тийин.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳаси, партия Уставига киритиладиган ўзгартишлар ҳақида, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986-1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларининг лойиҳаси тўғрисида доклад қилди.

Шу билан ҚПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС Марказий Комитети шунга қатъий ишонч билдирадиган, КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, КПСС Уставига киритиладиган ўзгартишлар, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси юксак ташкилий ва ғоявий-сиёсий савияда ўтади, партия ва бутун халқ тажрибаси билан бойиган, илмий асосланган тақлифларнинг сўзсизгача ишлаб чиқилишига ёрдам беради, 1985 йилги давлат планлари ва социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажариши, ўн иккинчи беш йилликни ғайрат-шижоат билан бошлаб юбориш ва КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун курашда меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлиги ва активлигини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми, сунгра фан-техника таракити масалаларга юзасидан ўтказилган кенгаш вужудга келган вазиятни батафсил таҳлил этиб берганлиги, мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришини ва шу асосда совет жамиятининг сифат жиҳатида янги ҳолатига эришинишнинг муфассал концепциясини ўртага қўйиб, асослаб берганлиги сизларга маъ-





